



HISTORICAL REALITIES AND PHILOSOPHICAL IDEALS: DIALOGUES ACROSS DISCIPLINES

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE**

**TASHKENT, SEPTEMBER
20, 2025**

**MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE
AND INNOVATION OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES**

**RESEARCH CENTER FOR THE STUDY OF EASTERN
CULTURE AND HERITAGE**

**HISTORICAL REALITIES
AND PHILOSOPHICAL IDEALS: DIALOGUES ACROSS
DISCIPLINES**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE**

Tashkent, September 20, 2025

International Scientific-Practical Conference “Historical realities and philosophical ideals: dialogues across disciplines”[Text]/ – Tashkent: Tashkent State University of Oriental Studies, 2025. -698 p.

This collection contains the materials of the international scientific-practical conference “Historical Realities and Philosophical Ideals: Dialogues Across Disciplines.” The volume includes articles dedicated to the theoretical and practical issues of interdisciplinary approaches in historical research, the history of the interconnected development of Eastern regions, current problems of historical source studies and historiography, the significance of interdisciplinary studies in exploring tangible and intangible cultural heritage, as well as the main directions of Eastern philosophy and culture. The authors of the articles are leading experts in their respective fields and young researchers.

Chief editor:

Mirzohid Askarov

Editorial board:

B.Zokirov, Sh.Yodgorov, M.Khubbaliyeva, M.Turdikhujayeva,
M.Nabiyev, R.Isakov, G.Abduvakhobova, Sh.Abdurasulov, G.Jumayev

The conference materials were reviewed by the Academic Council of the Faculty of “Eastern Civilization and Philosophy” at Tashkent State University of Oriental Studies and recommended for publication (No. 3, dated October 23, 2025).

ЭТНОТОПОНИМЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШГА ДОИР ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВЛАР ҲУСУСИДА

Bexzodjon Zokirov

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti dotsenti v.b., PhD

E-mail: zbexzodz@gmail.com

ORCID-0000-0003-4946-225X

Калит сўзлар: этно-топоним, этнолингвистика, тарихий ёндашув, географик омил, картографик метод.

Аннотация: Ушбу мақолада этнотопонимларни тадқиқ этишда қўлланиладиган фанлараро ёндашувлар таҳлил қилинган. Жумладан, этнолингвистик, тарихий, географик ва картографик ёндашувларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. Этнотопонимларнинг этник таркиб, маданий жараёнлар ва тарихий манбалар билан узвий боғлиқлиги, уларни тадқиқ этиш орқали этносларнинг шаклланиши, жойлашуви ва тарихий-этник жараёнларни ёритиш имконияти таъкидланган.

ON INTERDISCIPLINARY APPROACHES TO THE STUDY OF ETHNOTOPONYMS

Bekhzodjon Zokirov

Acting Associate Professor at Tashkent State University of Oriental Studies, PhD

E-mail: zbexzodz@gmail.com

ORCID-0000-0003-4946-225X

Key words: ethnotoponym, ethnolinguistics, historical approach, geographical factor, cartographic method.

Abstract: This article analyzes interdisciplinary approaches to the study of ethnotoponyms. In particular, the theoretical and practical significance of ethnolinguistic, historical, geographical, and cartographic approaches is discussed. It emphasizes the interconnection of ethnotoponyms with ethnic composition, cultural processes, and historical sources. The research of ethnotoponyms provides insights into the formation of ethnic groups, their settlement patterns, and historical-ethnic processes.

Жой номлари, яъни топонимларнинг вужудга келишида аҳолининг этник таркиби маълум ҳудудда истиқомат қилган турли халқ, қабила, уруғлар муҳим роль ўйнаган. Турли

худудларда яшовчи этник бирликлар номи–*этнонимлар* номи бора-бора ўзи яшаган худуд номига кўчиб, *этнотопоним* кўринишида халқнинг луғат бойлигида сақланиб қолади. Уларнинг тадқиқ этиш орқали маълум тарихий даврдаги этник ном асос бўлган худуд аҳолисининг этник таркиби ва уни шакллантирган этник компонентлар ҳамда уларнинг тарқалиш географияси, шунингдек, унинг маъмурий тузилиши, иштимой тарихий топографияси, лингвистикаси каби кўплаб илмий муаммоларга ечим топиш мумкин. Шу жиҳатдан *этнотопонимлар* билан тарихчидан ташқари этнографлар, археологлар, географлар ва қолаверса, тилшунос олимлар ҳам жиддий шуғулланишади. Умуман олганда, этнотопонимлар атамаси орқали ясалиш асосини этнонимлар ташкил қилган жой номлари тушуниб, унинг пайдо бўлишида жой номи билан этнонимнинг ўзаро бир-бири билан ички муносабати бўлиши зарурдир. Айнан ушбу ички муносабатни тадқиқ этиш фанлараро тадқиқотларни талаб қилади ва ўз ўрнида ушбу тадқиқотларни пайдо бўлиши тадқиқот доирасидан келиб чиқиб ўзига хос ёндашувларни келтириб чиқади. Ҳозирги кунгача айнан этнотопонимларни тадқиқ этишга доир яқдил ёндашувлар тизими ишлаб чиқилмаган бўлсада, лингвистик тадқиқотларда кўпинча топонимларнинг тадқиқ этишга доир ёндашувлар асосида тилшунос олимлар томонидан қўлланилган. Лекин, этнотопонимларни айнан тарихий манба нуқтайи назаридан тадқиқ этишга доир ёндашувлар ҳанузгача ўрганилмаган бўлиб, биз тадқиқотимизда ушбу масалани ёритишга ҳаракат қилдик. Шунини айтиб ўтиш лозимки, этнотопонимлар тарихий жиҳатларини ўрганиш алоҳида илмий муаммо бўлсада, уни тадқиқ этишга доир ёндашувлар ва қарашлар тизимининг шаклланишида бошқа соҳаларнинг уларнинг тарихий манба сифатида асослашга хизмат қиладиган жиҳатлари эътиборга олинди. Шундан келиб чиқиб, этнотопонимларнинг тадқиқ этишга доир ёндашувларни турли соҳалардан келиб чиққан ҳолда *этнолингвистик*, *тарихий манбашунослик*, *географик* ҳамда *қартографик* ёндашувлар кесимида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Лекин ушбу ёндашувлар нисбий бўлиб, улар турли соҳалардаги билимлар ва тадқиқот усуллари ўз ичига олсада, этнотопонимларни тарихий жиҳатдан ўрганишни назарда тутди.

Этнолингвистик ёндашув – ушбу ёндашув этнотопонимларнинг лингвистик жиҳатларини инобатга олган

ҳолда, жой номлари таркибидаги шевага хос сўзлар, топонимик формантлар ва индикаторлар, халқнинг луғат бойлигида этник номларининг салмоғи, уларнинг этимологияси, умуман олганда этнотопонимларнинг тил бойлиги ва тил ҳодисаси сифатида тадқиқ этиш устуворлик қилади.

Этник номлар асосида пайдо бўлган жой номлари одатда турли объектларни номлаб келади. Хусусан, улар турли туман аҳоли масканлари, сув ҳавзалари ва иншоотлари, тоғ-у адирларларнинг номларини атаб келиши мумкин. Этнотопонимлар айнан қайси объектни номлаб келишини уни номини аниқлаштирувчи сўзлар билан ҳам ажратиб олиш мумкин. Хусусан, қишлоқ, овул, маҳалла, гузар каби сўзлар этнонимларга кўшилиб, аҳоли масканларининг номларида келиши мумкин. Хусусан, *Тожикқишлоқ, Қозоқовул, Қирғиз маҳалла, Арабгузар* каби жой номлари этнотопонимлар сифатида аҳоли масканларини атаб келади ва унинг этник таркибига ишора қилади. Кўриб турганимиздек, юқоридаги жой номлари таркибидаги *қишлоқ, овул, маҳалла, гузар* сўзлари этноойконим, яъни аҳоли масканларининг номларига кўйилган. Лекин, айрим сўзлар борки, уларнинг маъноси ҳамма учун бир хилда тушунарли бўлмай, маълум ҳудуд аҳолининг луғат бойлигида мавжуд ҳисобланиб, улар линвистик тадқиқотлар орқали илмий истеъмолга киритилади. Шунинг учун ҳам, этник номлар асосида пайдо бўлган топонимларнинг тадқиқ этишда этнолингвистик ёндашувлар муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

XIX аср Хива хонлиги тарихига оид манбаларда *Манғитарна, Уйғурён, Ўзбекён* каби этнотопонимлар қайд этилади¹. Ушбу жой номлари таркибидаги *арна, ён* каби сўзлар кўринишида тушунарсиздек туюлиб, айни пайтда улар қандай маънони англатиши ҳамда қайси турдаги топонимик объектни номлаб келиши ҳам номаълум. Хоразм воҳаси тарихи, унинг шевалари билан шуғулланувчи бир қатор тарихчи ва тилшуносларнинг тадқиқотларида ушбу этнонимик индикаторларнинг маъноси очиб берилган². Хусусан, Я.Ғуломовнинг фикрича, Хоразм воҳасида катта каналлар, каналнинг боши ва каналнинг кенг ҳавзаси “*арна*”

¹ Зокиров Б.И. Хориж сафарномаларида Хива хонлигига оид этнотопонимлар (XIX аср манбалари мисолида)//Шарқ машъали, №2. –Тошкент, 2021. –Б. 99-107.

² Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. –Тошкент, 1959. –326 б. ; Дўсимов З. Шимолий Хоразм топонимлари. дисс... филол. фан. номзоди. –Тошкент, 1970. –170 б.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. –Тошкент: Фан, 1985. –101 б.; Атажонов А.Ж. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари. дис... филол.фан.номзоди. –Тошкент, 1996. –Б. 189.;

деб аталиб, асл маънода дарёнинг ўзанда шоҳобчаларга ажралишини англатади. Сунъий каналларнинг *арна* деб аталишига сабаб, ушбу каналлар катталигига кўра дарёнинг бир қисми ташкил қилган. Ўрта ва кичик каналлар *ён* деб аталиб, баъзида йирик тақсимловчи каналлар ҳам ушбу ном билан аталсада, мазмунан улар арналардан қичиқ ҳисобланган. Масалан, *Пахтарнадан* бошланувчи тақсимлаш каналлари *Тозабоғён*, *Сарибийён*, *Калтаминорён*, *Бўён* каби номлар билан аталган¹. Демак, *Манғитарна*, *Уйғурён*, *Ўзбекён* каби топонимларнинг этнолингвистик таҳлили уларни этногидроним сифатида сув иншоотини номлаб келишини, *арна* нисбатан каттароқ канални, *ён* эса ундан ажралиб чиқувчи кичикроқ ариқни англатиши эса ўша гидроним атрофида яшаган этноснинг ўзига хос сиёсий нуфузига ҳам ишора қилади. А.Атажонованинг қайд этишича, *Манғитарна* 70 км бўлиб, у манғит уруғи яшаган ҳудуддан оқиб ўтгани учун уруғ номи канал номига ўтган. *Уйғурён* эса, Муҳаммад Раҳимхон даврида уйғурларнинг кучи билан қазилган ариқ бўлиб, уни қазиган халқ номи этногидроним сифатида сақланиб қолган². Бундан кўринадики, *арна* сўзи мавжуд этногидроним нисбатан каттароқ сув объектни ифодалаб, уни атрофида яшаган уруғ ёки халқнинг атрофдаги қолган уруғлардан миқдор жиҳатдан кўплигига, майда тақсимловчига эмас, балки асосий сув манбасига эгалик қилиши эса сиёсий жиҳатдан атрофдаги бошқа уруғлардан нуфузлироқ эканлигига ишора қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, *арна* сўзи Хоразм воҳасида ташқарида турлича маънода қўлланилиб, Зомин, Жиззах, Ғалларол, Фориш туманлари “*сой*, *анҳор*”, Самарқанд ва Сирдарёда “*қуриган канал*”, Шимолий Қирғизистонда “*дарё*”, Қозоғистонда эса “*дарё канали*” каби маъноларни англатади³. Бухоро амирлигида ушбу индикаторга тенг келадиган “*жуй*”, Қўқон хонлигида эса маҳаллий аҳоли истъемолида “*сой*” сўзлари мавжуд бўлиб, унга қўшилган этник ном этногидроним сифатида бирор халқ ёки уруғнинг сув объекти атрофида яшаши ҳамда унга боғлиқлиги кўрсатади. Шунинг учун ҳам топонимларни тарихий жиҳатдан тадқиқ этишда этнолингвистик ёндашув аҳамиятли ҳисобланиб, энг аввало, тарихий манба ҳисобланадиган

¹ Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи... –Б. 256.

² Атажонова А.Ж. Хоразм этнотопонимлари... –Б. 60.

³ Караев С. Географические термины в зоне контактирования узбекского, киргизского и таджикского населения//Вопросы географии 1970, Сборник 81. Местные географические термины. –М.: Мысль. –С. 187-193. (230 с.); Дўсимов З. Хоразм топонимлари... –Б. 69.

этнотопонимик объектнинг турини тушунишимизда ўзига хос ўринга эгадир.

Этнотопонимларнинг тадқиқ этишига доир тарихий ёндашув – асосан тарихчи, этнолог, этнограф, археологларнинг тадқиқотлари доирасида жой номларининг ушбу турига нисбатан тарихий манба ва материал, шунингдек, ўз номидан келиб чиқиб халқнинг этник таркибини ҳамда этник идентиклигини кўрсатувчи белги сифати қараш устуворлик қилади. Сабаби, тарихий топонимлар бирор тарихий шароит тақазоси натижасида юзага келади, шунинг учун топонимик материаллар тадқиқ қилинаётганда тарихий маълумотларга суянган ҳолда иш ниҳоятда муҳимдир. Чунки жой номлари кўплаб тарихий исбот ва далилларга, этимологик таҳлилларга асосланади. Жой номларининг тарихий жиҳатига доир қарашлар тизими ушбу соҳага доир дастлабки билимлар пайдо бўлгандан бери то ҳозирги кунгача ўзнинг амалий ҳамда назарий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шу ўринда этнотопонимларни тадқиқ этадиган бошқа соҳа вакиллари тилшунос, географ, картограф, олимлар ҳам жой номларининг тарихий манба эканлигига алоҳида урғу беради ва ўзининг тадқиқотида уларнинг тарихий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратади. Этнотопонимларнинг пайдо бўлишига доир тарихий ёндашув кўплаб тадқиқотчилар асарларида, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ва ҳўжалик масалаларига доир асарларда, шаҳарлар ва алоҳида олинган ҳудуд тарихига оид тадқиқотларда этногенез ва этник тарих масалаларга оид тадқиқотларда, жой номларига доир махсус тадқиқотларда намоён бўлади.

Топонимик тадқиқотлардаги тарихий ёндашувнинг муҳим шартларидан бири жой номига асос бўлган сўзнинг пайдо бўлишига таъсир ўтказган ўзаро ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш ҳисобланади. Хусусан, этнотопонимлар этнос, яъни этноним ва топонимлар тизимининг ўзаро муносабати оқибатида вужудга келиб, угдан сўнг унутилмас тарих, қадимий жой номига айланади. XIX асрда Ўрта Осиё хонликларига ташриф буюрган рус ва хориж сайёҳлари ҳамда бошқа муаллифларнинг асарларида қайд этилган минтақага оид этнотопонимларнинг ҳам пайдо бўлиши турли аҳоли қатламнинг жой номлари билан бевосита алоқаси натижаси маҳсули сифатида баҳолаш мумкин. Шу ўринда ушбу туркум жой номларининг пайдо бўлиши қонуниятлари минтақадаги турли ижтимоий-сиёсий ҳамда тарихий омиллар натижасида ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Географик ёндашув – асосан топонимларнинг география фанига оид категория тўғрисидаги қараш нуқтайи назардан келиб чиққан. Зеро, топонимларнинг асосий вазифаси, энг аввало, уларнинг – бир хил типдаги географик жойлар, объектлар, ҳудудларни алоҳида якка ҳолда ажратиб аташ ва шу орқали уларни бир биридан фарқлашга хизмат қилишдир¹. Инсониятнинг яшаш тарзи маълум бир географик макон билан боғлиқ бўлиб, ушбу маконнинг номи, бир томонидан, этноснинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаолияти, бошқа томондан у яшаган муҳитнинг табиий географик хусусияти натижасида, баъзан эса юқоридаги ҳар икки ҳолатга боғлиқ ҳолда пайдо бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан, этнотопонимларнинг тадқиқ этишда географик ёндашувнинг илмий аҳамияти ниҳоятда муҳим ҳисобланиб, у этник бирлик яшаган табиий муҳит, унинг манзили, чегараси, тарқалиш географияси, қандай маъмурий бирликда жойлашганлиги каби илмий муаммоларда ечим бера олади. Шунингдек, этнотопонимларнинг тадқиқ этишда маҳаллий географик терминларни билиш ҳам муҳим жараён ҳисобланиб, у этнотопонимнинг айнан қандай географик объект эканлиги, маъмурий жиҳатдан тузилиши, ландшафти, иқтисодий ва ҳўжалик ҳолати ҳақида қимматли маълумотларни тарихий манба сифатида етказа олади. Хусусан, топономист олим Э.Мурзаев “ҳар қандай топонимик тадқиқотлар айнан географик терминларнинг ўрганишдан бошланиши керак” дея, уларнинг амалий аҳамиятига юқори баҳо беради². Масалан, *Нўғойқўрғон*, *Арабтепа* каби этнотопонимлар таркибидаги географик атамалар, гарчи улар давр нуқтайи назардан аҳоли яшаш масканларига айланган бўлсада, жойнинг табиий хусусиятига ҳамда унинг маълум бир этносга алоқадор эканлигига ишора қилади. Шунинг учун этник бирлик билан боғлиқ жой номларини тадқиқ этишда улар яшаган ҳудудининг географик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Картографик ёндашув – этнотопонимларнинг тадқиқ этишга доир ушбу ёндашув, қолганларидан кўра тадқиқотларда нисбатан камроқ қўлланилсада, юқоридаги ёндашувларга қўшимча равишда, яъни топонимларнинг тадқиқ этишда қўшимча манба ҳисобланган хариталардан фойдаланган ҳолда этник бирлик асос бўлган жойнинг топографияси, чегараси, тарқалиш ареалини аниқлаш имконини беради. Этнотопонимларнинг тадқиқ этишга

¹ Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. –Тошкент, 1998. –Б. 5.

² Hakimov Q.R., Mikamilov M.T. Toponimika (darslik). –Toshent: Tafakkur avlodi, 2020. –B. 17.

доир ушбу ёндашувнинг ўзига ҳос самарали жиҳатларидан бири ёзма манба ва илмий адабиётлардаги матндан кўра хариталар аниқ кўзга ташланади ва унда акс эттирилган этнотопонимик маълумотлар топонимик ҳодиса ва қонуниятларни бевосита кузатиш имконини тақдим этади. Жой номларининг тадқиқ этишга доир картографик ёндашувнинг назарий асослари Е.М.Поспелов томонидан тадқиқ этилган¹.

Айни пайтда этнотопонимларнинг картографик усул ёрдамида тадқиқ этишнинг 2 та алоҳида йўналиши мавжуд. Биринчиси, бирор бир ҳудудга доир турли даврларда яратилган хариталарни жамлаган ҳолда, ўзаро қиёсий таҳлил қилиш орқали жой номларининг салмоғи, чегараси, жойлашуви, этнотопонимларнинг тарқалиш ареалига кўра этник бирликнинг ўзаро ҳаракат йўналишини белгилаш имконини беради. Иккинчи йўналиш, эса бевосита этнографик дала тадқиқот усуллари ёки манбалардаги материалларни тўплаган ҳолда тадқиқотчи томонидан мустақил этник атлас ҳамда этнотопонимик ҳарита шакллантириб тадқиқ этиш бўлиб, унда этнотопонимларнинг ўзига ҳос хусусиятлари, моделлари, этнотопонимик қонуниятларни аниқлаш мумкин бўлади.

Хулоса ўрнида шуниайтиш мумкинки, этнотопонимларни тадқиқ этиш масаласи кўп қиррали ва фанлараро ёндашувни талаб этувчи соҳа ҳисобланади. Жой номларининг этник таркиб ва тарихий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқлиги уларни нафақат тилшунослар, балки тарихчи, этнограф, археолог, географ ва картограф олимлар учун ҳам муҳим манбага айлантиради. Этнолингвистик ёндашув жой номларининг луғат бойлиги ва этимологиясини очишда, тарихий ёндашув эса уларнинг пайдо бўлиш шароити ва этник идентикликни аниқлашда самаралидир. Шунингдек, географик ва картографик ёндашувлар орқали этнотопонимларнинг тарқалиш ареали, ҳудудий хусусиятлари ва этник бирликларнинг макондаги ўрни белгилаб берилади. Демак, этнотопонимларнинг ўрганилиши тарихий, маданий ва ижтимоий жараёнларни чуқур англашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг фанлараро тадқиқи илмий истиқболга йўл очади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атажонова А.Ж. *Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари: дисс... филол. фан. номзоди*. –Тошкент, 1996. –189 б.

¹ Поспелов Е. М. Топонимика и картография. - М.: Мысль, 1971. - 256 с.; Поспелов Е.М. Картографическая топонимика и историческая картографии//Вопросы географии 110. Топонимике на службе географии. –Москва: Мысль, 1979. –С. 143-150.;

2. Дўсимов З. *Хоразм топонимлари*. –Тошкент: Фан, 1985. –101 б.
3. Ғуломов Я.Ғ. *Хоразмнинг суғорилиш тарихи*. –Тошкент, 1959. –326 б.
4. Зокиров Б.И. Хориж сафарномаларида Хива хонлигига оид этнотопонимлар (XIX аср манбалари мисолида) // *Шарқ машъали*. –Тошкент, 2021. –№2. –Б. 99–107.
5. Ҳақимов Қ.Р., Микамилов М.Т. *Топонимика* (дарслик). –Тошкент: Тафаккур авлоди, 2020. –Б. 17.
6. Пospelов Е.М. Картографическая топонимика и историческая картография // *Вопросы географии*. –1979. –Сборник 110. *Топонимика на службе географии*. –М.: Мысль. –С. 143–150.
7. Пospelов Е.М. *Топонимика и картография*. –М.: Мысль, 1971. –256 с.
8. Закиров, Б. (2022). Этнонимы и этнотопонимы в узбекских ханствах в зарубежных источниках, датируемых 19 веком. Актуальные проблемы истории Узбекистана, 1(1), 293-301.
9. ugli Zokirov, B. I. (2022). Ethnoanthroponymic Layer in the Structure of Place Names of Uzbek Khanates of the XIX Century. *World Bulletin of Social Sciences*, 7, 96-99.
10. Зокиров, Б. И. Ў. (2021). Рус ва хориж сайёҳларининг сафарномаларида Хива хонлигига оид айрим этнонимларнинг ёритилиши (XIX аср манбалари мисолида). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1), 351-356.
11. Закиров, Б. (2023). Этнонимы и этнотопонимы в узбекских ханствах в зарубежных источниках, датируемых 19 веком. Актуальные проблемы истории Узбекистана, 1(1), 293–301. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/history-of-uzbekistan/article/view/16507>
12. Зокиров, Б. (2021). Этнотопонимы, связанные с Хивинским ханством в зарубежных травелогах (на примере источников XIX века). *Восточный факел*, 2(2), 99–107. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eastern-torch/article/view/15142>
13. Allabergenov, M., Mustafaeva, S., Ziyamukhamedov, J., Yusupov, S., Khalimova, F., Madrahimova, G., ... & Sattorova, Z. (2024). Intelligent Educational Environments and Ubiquitous Computing for Continuous Learning and Digital Literacy Development. *J. Wirel. Mob. Networks Ubiquitous Comput. Dependable Appl.*, 15(4), 179-191.
14. Zokirov, B. (2024). THE ROLE OF NATIONAL-CULTURAL TRADITIONS AND INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF ETHNO TOURISM. *Science and innovation*, 3(Special Issue 46), 794-796.
15. Odilov, B., Doniyorov, A., Sayfullaev, D., Karimov, N., Juraev, S., Zokirov, B., & Sattorova, Z. *Cybersecurity Challenges for Ethnotourism Operators: Strategies for Protection*.
16. Zokirov, B., Madraimov, A., Alimukhamedova, N., Allayarov, D., Qushnazarova, U., & Sattorova, Z. (2025, April). Classifying Historical Events Using Support Vector Machines (SVM) and Decision Trees. In *2025 International Conference on Computational Innovations and Engineering Sustainability (ICCIES)* (pp. 1-6). IEEE.

CONTENTS

PREFACE.....	3
--------------	---

SESSION №1

THEORETICAL AND PRACTICAL ISSUES OF INTERDISCIPLINARY APPROACHES IN HISTORICAL RESEARCH

<i>Iskhakov M.</i> Social anthropology, its interdisciplinary scientific and educational features.....	5
<i>Doniyorov A.</i> Historical roots of interethnic harmony and tolerance in Uzbekistan.....	11
<i>Khaydarov I.</i> The industry of Uzbekistan during the “perestroika” policy (1985–1990).....	20
<i>Khaydarov I., Ruzikulova Z.</i> The economic crisis of the Timurid empire and its social consequences.....	28
<i>Rasulova N.</i> Views on the formation of political parties and their theoretical-conceptual foundations.....	38
<i>Alimova R.</i> The significance of interdisciplinary approaches in studying the history of foreign trade relations of the Bukhara emirate in the early 20th century.....	49
<i>Madraimov A.</i> Shahrukh Mirza and the sending of the kiswah for the Kaaba: religious, political, and cultural significance.....	57
<i>Madraimov A., Eshmurodov B.</i> Strict discipline and personnel policy in the army of Amir Temur.....	62
<i>Askarov M.</i> The level of study of the topic of modern uzbek identity.....	74
<i>Zokirov B.</i> On interdisciplinary approaches to the study of ethnotoponyms.....	81
<i>Pardayev M.</i> Archaeological research conducted in the Sokh basin.....	89
<i>Sharifiy N.</i> A glance at the history of the spiritual administration of muslims of Central Asia and Kazakhstan.....	103
<i>Gaziyeva G.</i> Relations between Uzbekistan and Saudi Arabia in the context of interdisciplinary research and trans-civilizational cooperation.....	110

SESSION №2

GLOBAL HISTORY: THE INTERCONNECTED DEVELOPMENT OF EASTERN REGIONS

<i>Madraimov A.</i> Historical realities and philosophical ideals in the era of the Timurids and Boburids: interdisciplinary dialogues.....	119
<i>Abdullayev N., Abdimanapova F.</i> Political instability in Turkey between 1970 and 1980 and its consequences.....	125

<i>Pulatova S.</i> Study of human will, freedom of choice, and responsibility in Nasafi's existential approach.....	631
<i>Salimov Sh.</i> Confucian values and the synthesis of democracy: the identity of civil society.....	638
<i>Ergasheva B.</i> The issue of raising girls in Eastern philosophy and culture.....	645
<i>Izzetova E., Shomukimov L.</i> Philosophical and retrospective analysis of the modernizing concept of Ismail Gasprinsky in the context of the development of jadidism in Central Asia.....	654
<i>Izzetova E., Mamadaliev A.</i> Philosophical analysis of the moral aspects of Fariduddin Attor's gnoseological concept.....	666
<i>Ikramova I., Rashidova Kh.</i> Abu Ali Ibn Sina's gnoseological and anthropological views.....	676
<i>Pulatova M., Jalolkhonov A.</i> Three hundred Kufi Qaf.....	683
<i>Pulatova M., Tursunboyev A.</i> The role of the Qur'an and hadith in eastern philosophy and culture.....	689